

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2024 йил май ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Самарқанд шаҳар “Катта ариқ” маҳалла фуқаролар йиғини биносида бўлиб, раислик қилувчи судья О.Пардаев, судья ёрдамчиси О.Боймухамедовнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг ўринбосари У.Рахматов, судланувчи Д.Ибодовнинг ҳимоячиси адвокат О.Гаффаровнинг иштирокида, Ибодов Давлат Искандаровичга нисбатан 1-1401-2401/442-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Ибодов Давлат Искандарович (Ibodov Davlat Iskandarovich), 1993 йил 30 май куни Самарқанд шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 4 нафар фарзанди бор, судланмаган, “Nabiyev Matlub” масъулияти чекланган жамият раҳбари, Самарқанд шаҳар “Кафтархона” маҳалласи Кафтархона кўчаси 45-уйда рўйхатда туриб, Самарқанд шаҳар “Сайхун” маҳалласи Қоракўл кўчаси 40-уйда яшайди, иш бўйича “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 03.05.2024 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини эшитиб, шунингдек, ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ибодов Давлат Искандарович, 2019 йилдан буён Самарқанд шаҳрида рўйхатдан ўтган “Набиев Матлуб” МЧЖни бошқариб келиб, шахсий бойлик орттиришни ўзига мақсад қилиб, хуфёна иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш ниятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.08.2002 йилдаги “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 280-сонли Қарорининг 8-бандига ҳамда 17.11.2011 йилдаги “Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 306-сонли Қарори билан тасдиқланган “Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 2-бандига асосан хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини мажбурий тартибда қўллаган ҳолда пулли ҳисоб-китоблар амалга оширилиши шартлиги каби талабларини қўпол



равишда бузиб, жамиятнинг 2021 йил давомидаги фаолиятида 17,4 млрд. сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, шундан 2,7 млрд. сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳисоботларида акс эттириб, ҳақиқатда 1,8 млрд. сўмлик товарларни божхона қийматидан паст нархларда реализатсия қилиб, ҳисоботларда акс эттирмаганлиги натижасида 284,9 млн. сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳамда солиқ солинадиган фойдани 817,2 млн. сўмга ҳисоботларида акс эттириб, ҳақиқатда 1,3 млрд. сўмлик солиқ солинадиган фойдани ҳисоботларда акс эттирмасдан 189,9 млн. сўмлик фойда солиғини, жами бўлиб 474,1 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқларни давлат бюджетига тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги ПФ-5446-сонли Фармони ва ЖКнинг 184-моддаси 5-қисми талабларига риоя қилган ҳолда “Набиев Матлуб” МЧЖ мансабдор шахсларига 04.03.2024 йилда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида қарор берилган бўлсада, белгиланган муддатда ўз қилмишининг оқибатлари бартараф этмаган.

Судланувчи Ибодов Давлат Искандарович суд мажлисида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ўзининг кўрсатувида, у “Набиев Матлуб МЧЖ раҳбари сифатида 2021 йил май ойидан ҳозирги кунга қадар фаолият юритиб келишлигини, МЧЖ ҳозирги кунга қадар озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдоси билан шуғулланиб келганлигини, Самарқанд вилояти солиқ бошқармаси ходимлари Ҳамраев Ғолиб ва Аламхонов Бекзодлар томонидан у раҳбарлик қилиб келаётган “Набиев Матлуб” масъулияти чекланган жамиятида 2021-2022 йиллар ҳисобот даврларида молия-хўжалик фаолиятида Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан 2024 йил 14 февраль кунидандан 2 кун мобайнида солиқ аудити ўтказилганлиги, ҳужжатли текширишда корхона томонидан 2021 йил якуни учун тақдим қилинган юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича ҳисоботига асосан жами даромадлар суммаси 18.967.099,9 минг сўм улгуржи савдо кўрсатилган бўлиб, жами харажатлар суммаси 18.149.878,6 минг сўм кўрсатилиб, ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойда 817.221,3 минг сўмни ташкил этиб, белгиланган 15 фоизлик солиқ ставкасида 122.583,2 минг сўм фойда солиғи ҳисоблаб чиқарилганлиги, тақдим қилинган бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоб регистрларига асосан корхонанинг 2021 йилдаги жами даромадлар суммаси 17.402.431,8 минг сўм ташкил этиб, ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойда 2.083.028,2 минг сўмни ташкил этиб, белгиланган 15 фоизлик солиқ ставкасида 312.454,3 минг сўм фойда солиғи ҳисобланиши лозимлиги аниқланганлиги, текшириш натижаси билан корхона томонидан тақдим этилган ҳисобот солиштирилганда, 2021 йил **189 871,1 минг сўм** фойда солиғи жамият томонидан ҳисобланмасдан қолганлиги аниқланиб, қўшимча ҳисобланганлиги, 2021 йил учун жами 463.289,7 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ҳисобланганлиги ёки тақдим этилган ҳисоботга нисбатан жамият томонидан **284.229,6 минг сўм** қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмасдан ганлиги аниқланиб, қўшимча ҳисобланганлиги, ўтказилган солиқ аудитит



якуни билан “Набиев Матлуб” МЧЖ томонидан 2021 йил учун 284.229,6 минг сўм қўшилган қиймат солиғи ва 189 871,1 минг сўм фойда солиғи, жами **474 100,7 минг сўмлик солиқлар ҳисобланмасдан** ва давлат бюджетига тўланмасдан қолганлиги аниқланганлиги, мазкур ўтказилган солиқ аудити натижасида жамият томонидан бюджетга ҳисобланмасдан ва тўланмасдан келинган жами 474.100,7 минг сўмлик солиқлар жамият томонидан импорт қилинган товарларни боғжона қийматидан паст нархда реализация қилганлиги натижасида келиб чиққанлиги, у қилган ишидан пушаймондалигини, тўланмасдан қолган жами 474.100,7 минг сўмлик солиқларни дастлабки тергов жараёнида вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўлиқ тўлаганлигини, уни бу қилмишини кечириб қонуний енгиллик беришликни сўраб баёнот берди.

Судланувчи Ибодов Давлат Искандаровичнинг айби унинг ўз айбига тўлиқ иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўралган фуқаровий даъвогар Музаффарова Фарида Шухрат қизининг, у Самарқанд вилоят Солиқ бошқармасининг юридик бўлими бошлиғи лавозимида ишлашлигини, судланувчи Ибодов Давлат 2019 йилдан буён Самарқанд шаҳрида рўйхатдан ўтган “Набиев Матлуб” МЧЖни бошқариб келиб, шахсий бойлик орттиришни ўзига мақсад қилиб, хуфёна иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ниятида жамиятнинг 2021 йил давомидаги фаолиятида 17,4 млрд. сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, шундан 2,7 млрд. сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳисоботларида акс эттириб, ҳақиқатда 1,8 млрд. сўмлик товарларни боғжона қийматидан паст нархларда реализация қилиб, ҳисоботларда акс эттирмаганлиги натижасида 284,9 млн. сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳамда солиқ солинадиган фойдани 817,2 млн. сўмга ҳисоботларида акс эттириб, ҳақиқатда 1,3 млрд. сўмлик солиқ солинадиган фойдани ҳисоботларда акс эттирмасдан 189,9 млн. сўмлик фойда солиғини, ҳаммаси бўлиб 474,1 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқларни давлат бюджетига тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги ПФ 5446-сонли Фармони ва ЖКнинг 184-моддаси 5-қисми талабларига риоя қилган ҳолда, “Набиев Матлуб” МЧЖ мансабдор шахсларига 04.03.2024 йилда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида қарор берилган бўлсада, белгиланган муддатда ўз қилмишининг оқибатлари бартараф этмаганлиги сабабли, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилганлигини, дастлабки тергов жараёнида Д.Ибодов томонидан давлатга етказилган зарар вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўлаб берилганлигини, шу сабабли мазкур маблағни солиқ бошқармаси ўтказиш орқали давлат фойдасига қопланишини таъминлаб беришни суддан сўрашлиги ва ҳозирда судланувчи Д.Ибодовга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

гувоҳ Ҳамраев Ғолиб Эгамқуловичнинг, у Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси “Солиқ аудити” шўъбаси давлат солиқ катта инспектори лавозимида ишлаб келишлигини, у ҳамкасби Аламхонов Бекзод билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январ



кунидаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган «Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги» низом талабларидан ҳамда Самарқанд вилояти солиқ бошқармасининг 2024 йил 12 февраль кунидаги 00355-хс-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳрида жойлашган “Набиев Матлуб” масъулияти чекланган жамиятида 2021-2022 йиллар ҳисобот даврларида молия-хўжалик фаолиятида Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан солиқ аудити ўтказганлигини, текширишда Ибодов Давлат 2019 йилдан буён Самарқанд шаҳрида рўйхатдан ўтган “Набиев Матлуб” МЧЖни бошқариб келиб, шахсий бойлик орттиришни ўзига мақсад қилиб, хуфёна иқтисодий фаолият билан шуғулланиб, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ниятида жамиятнинг 2021 йил давомидаги фаолиятида 17,4 млрд. сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, шундан 2,7 млрд. сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳисоботларида акс эттириб, ҳақиқатда 1,8 млрд. сўмлик товарларни божхона қийматидан паст нархларда реализатсия қилиб, ҳисоботларда акс эттирмаганлиги натижасида 284,9 млн. сўмлик қўшилган қиймат солиғини ҳамда солиқ солинадиган фойдани 817,2 млн. сўмга ҳисоботларида акс эттириб, ҳақиқатда 1,3 млрд. сўмлик солиқ солинадиган фойдани ҳисоботларда акс эттирмасдан 189,9 млн. сўмлик фойда солиғини, ҳаммаси бўлиб 474,1 млн. сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқларни давлат бюджетига тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.05.2018 йилдаги ПФ 5446-сонли Фармони ва ЖКнинг 184-моддаси 5-қисми талабларига риоя қилган ҳолда, “Набиев Матлуб” МЧЖ мансабдор шахсларига 04.03.2024 йилда солиқларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларини бартараф этиш ҳақида қарор берилган бўлсада, белгиланган муддатда ўз қилмишининг оқибатлари бартараф этмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

-гувоҳ Аламхонов Бекзод Умаровичнинг, суд мажлисидаги гувоҳ Ҳамраев Ғолиб Эгамқуловичнинг кўрсатувиغا ўхшаш худди шу мазмунда берган кўрсатуви билан;

шунингдек, судланувчи Ибодов Давлат Искандаровичнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд, билдирги, Самарқанд шаҳрида жойлашган “Набиев Матлуб” масъулияти чекланган жамиятида 2021-2022 йиллар ҳисобот даврларида молия-хўжалик фаолиятида Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан камерал текширувида аниқланган солиқ аудити текшируви далолатномаси ва илова қилинган ҳужжатлари, “Набиев Матлуб” масъулияти чекланган жамияти устави ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, судланувчи Ибодов Давлат Искандаровичнинг фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириб, камайтириб кўрсатиб, шунингдек давлат томонидан белгиланган жуда кўп миқдордаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон



Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ибодов Давлат Искандаровичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини ва содир этган жиноий қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлари мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ибодов Давлат Искандаровичга нисбатан жазо турини ва меъёрини белгилашда, унинг содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандидаги “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб кўрсатилган, шунингдек, мазкур Қарорнинг 37-бандидаги “ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деб кўрсатилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги “жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деб кўрсатилган инсонпарварлик принципига ва 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошида мустхакамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак” деб кўрсатилган юқори эътирофли кўрсатмаларига амал қилиб, судланувчи Ибодов Давлат Искандаровичнинг шахсини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, муқаддам судланмаганлигини ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 4-қисмидаги “Қасддан яширилган, камайтриб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” деб кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, у томонидан етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги инобатга олиб, бу ҳолатлар у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми санкциясида назарда жарима жазосини энг кам қисмидан ҳам камроқ жарима жазосини



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси талабига риоя қилган ҳолда жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдори (270.000 сўм) дан келиб чиқиб тайинлашликни лозим топади.

Суд, жиноят иши юзасидан етказилган моддий зарарни қоплаш учун судланувчи Ибодов Давлат Искандарович томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган жами 474.100.000 сўм пул маблағлари Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказишликни лозим топади.

Суд жиноят иши юзасидан эътироф этилган ёзма далиллар жиноят ишига қўшилганлигини эътироф этади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, ҳукм қилади –

Ҳ У К М

Судланувчи **Ибодов Давлат Искандарович (Ibodov Davlat Iskandarovich)** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми билан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 (икки юз) баравари, яъни 54.000.000 (эллик тўрт миллион) сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин ва ундан давлат даромадига ундирилсин.

Судланувчи Ибодов Давлат Искандаровичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан кейин бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 20.000.000 (йигирма миллион) сўм пуллар гаровга қуювчи Д.Ибодовга қайтарилсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида Ибодов Давлат Искандарович томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган, 284,9 млн. сўмлик қўшилган қиймат солиғи ҳамда 189,9 млн. сўм фойда солиғи, жами 474.100.000 (тўрт юз етмиш тўрт миллион бир юз минг) сўм пуллар Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси орқали давлат бюджетига ўтказилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига даҳлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи судья

О.Пардаев

“Нусхаси аслига тўғри”

